



**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «O`ZARXIV» AGENTLIGI
SAMARQAND VILOYATI ARXIV ISHI HUDUDIY BOSHQARMASI
BUYRUG`I**

Давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ягона нархномасини тасдиқлаш тўғрисидаги “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 149-сонли буйруғи ҳақида

Давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ягона нархномасини тасдиқлаш тўғрисидаги “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 149-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ягона нархномасини тасдиқлаш тўғрисидаги “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 149-сонли буйруғи **рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Вилоят, шаҳар ва туман архивлари директорлари;

архивлар томонидан ушбу нархномада белгиланган хизматлар нархларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар;

архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан келишилган (тасдиқланган) шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари томонидан тасдиқланган барча кўринишдаги нархномаларни 2021 йил 1 июндан ўз кучини йўқотган деб топиш чораларини кўрсинлар;

бир ой муддатда ушбу нархномани ва кўрсатмани архивларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналарига А2 ўлчамда ҳамда архив иши ҳудудий бошқармалари ва Ўзбекистон миллий архивларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирсинлар;

бир hafta муддатда барча архивлар томонидан “Ўзархив” агентлиги директорининг 2014 йил 25 августдаги 62-сон буйруғи (рўйхат рақами 2615, 2014 йил 12 сентябрь) билан тасдиқланган Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ пулли хизмат кўрсатиш бўйича номенклатураси тасдиқланганлиги ва келишилганлигини хатловдан ўтказсинлар, мазкур рўйхатни ишлаб чиқмаган архивлар мавжуд бўлган тақдирда ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласинлар;

уч ой муддатда нархномани жорий этишда юзага келадиган муаммоларни таҳлил этиб, Бошқарма орқали Агентликка асосли таклифлар киритсинлар;

2021 йил 15 июнга қадар амалга оширилган ишлар тўғрисидаги асосланган маълумотларни (фотосуратлар билан) Бошқармага умумлаштирилган ҳолда Агентликка тақдим этсинлар. ушбу Қонунни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz сайтидан кўчириб олинишини

ҳамда архивда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча ходимлар ўртасида унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтирилишини таъминласинлар.

3. Ушбу буйруқни бажарилиши юзасидан умумий назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарма бошлиғи



А.Маманазаров